



## Уни бу дунёда икки оёғи билан юргиза олган Зот, Қиёмат кунида юзи билан юргиза олмайдими?

Қатода раҳимаҳуллоҳдан нақл қилинади: Бизга Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ҳадис айтди: Бир одам: "Эй Аллоҳнинг пайғамбари, кофир одам (маҳшарда) юзи билан юриб, қандай тўпланади?,- деб савол берди. (Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам унга): "Уни бу дунёда икки оёғи билан юргиза олган Зот, Қиёмат кунида юзи билан юргиза олмайдими?", - деб жавоб бердилар. Қатода: Роббимизнинг қудратига қасам ичиб айтаманки, (албатта, қодирдир).

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллalloҳу алайҳи ва салламга: Қиёмат куни кофир одам қандай қилиб юзи ерга қадалган ҳолатида тўпланади?, дея савол берилди. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллalloҳу алайҳи ва саллам: Уни дунёда икки оёғи билан юргизишга қодир бўлган Аллоҳ, Қиёмат куни юзи билан юргизишга қодир эмасми?, деб жавоб бердилар. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло ҳар қандай ишга қодирдир.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65068>

